

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

“Қурилишни бошқариш” факултети

“Қурилишда менежмент” кафедраси

ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИ БЎЙИЧА

Т У Ш У Н Т И Р И Ш Х А Т И

Диплом лойиҳаси мавзуси: Бугунги кун шароитида кўчмас мулкни баҳолашни баъзи бир хусусиятларини кўриб чиқиш (ишлаб чиқариш бинолари мисолида)

Битирувчи 402 –КМЭ гуруҳ талабаси:

Мусаев Ж.

Диплом лойиҳаси раҳбари:

Буронов О.Б.

Маслаҳатчилар:

Буронов О.Б.

Кафедра мудири:

Бўриев Ҳ.Т.

Факултет декани:

Рахимов А.Р.

МУНДАРИЖА:

Кириш	3
I - Кўчмас мулк объектларини баҳолаш жиҳатларини назарий	6
Боб услубий тадқиқ этиш	
1.1. Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулк бозори тавсифи.	6
1.2. Кўчмас мулк бозорида мулкни баҳолашнинг ёндошув ва усуллари	12
1.3. Кўчмас мулкни бошқариш	18
II- Танланган корхонанинг («Диллер Сармоя» МЧЖ 2014-йил)	23
Боб. молиявий иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш.	
Танланган объектнинг меъморий-қурилиш лойихаси	
бажарилади	
2.1 “Диллер Сармоя” М.Ч. Ж ташкилоти ҳақида қисқача маълумот	23
2.2 “Диллер Сармоя” М.Ч.Ж. Иқтисодий статистик кўрсаткичларининг таҳлили	25
III- Танланган ишлаб чиқариш объектини баҳолаш натижаси	36
Боб. асосида бошқарув самарадорлигини ишлаб чиқиш	
3.1. Полиэтилен ва полипропилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини тўғрисида қисқача маълумотлар	36
3.2. Баҳолаш объекти қийматини харажатга оид ёндашув билан аниқлаш	43
3.3. Баҳолаш объекти қийматини даромадга оид ёндашув билан аниқлаш	52
3.4. Баҳолаш объекти қийматини таққослашга оид ёндашув билан аниқлаш	56
3.5. Баҳолаш ёндашувлари натижаларини мувофиқлаштириш ва баҳолаш объектининг якуний қийматини аниқлаш	60
IV Хулоса	64
V Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	67
Иловалар	

Кириш

Битирув малакавий ишининг долзорблики. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач кўчмас мулк бозорида баҳолаш фаолиятининг тикланиши ва оёққа туришига иқтисодиётдаги бозор ислохотларининг ривож топиши сабаб бўлди. Бу тушунарли ҳолатдир, негаки айнан бозорнинг ривожланиши мамлакат иқтисодиётидаги барча келгуси ўзгаришларни белгилаб беради.

Президентимиз И.А.Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий–иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2013 йил мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” маърузасида таъкидлаганидек. 2013-2014 йилларда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибда уй – жойларни қуриш кўламини янада кенгайтириш алоҳида ўрин тутиши: ҳақида таъкидлаб ўтганлар, шунинг учун кўчмас мулк бозорига эътибор жуда катта бўлмоқда.¹

Республикада кўчмас мулк бозорининг тикланиши ва ривожланиши бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда. Кўчмас мулк бозори инфратузилмаси субъектлари яратилди ва муваффақиятли иш юритмоқда: буларга Республика кўчмас мулк биржаси, кўчмас мулк ва инвестициялар агентлиги, ўндан зиёд хусусий риэлторлик фирмалари ҳамда 80 дан ортиқ брокерлик идоралари ва баҳолаш инфратузилмаси киради. Лекин ҳозирги вақтда, кўчмас мулк бозорининг туб субъектлари: дипломли баҳоловчилар ва риэлторларнинг йўқлигини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Баҳолаш фаолияти Республикамизда аста-секин ривожланаяпти, халқаро талабларга мос келадиган миллий давлат баҳолаш андозаларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш борасидаги ижобий тажриба ҳақида гапира туриб, айни

¹ - Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Тошкент. 2013 йил 18 январ. Халқ сузи.

вақтда баҳоловчи экспертлар фаолиятини маълум тартиб ва қоидаларга бўйсиндирувчи тегишли тўла меъёрий негизнинг, уни бошқариш ва назорат қилишни самарали тизимининг амалда мавжуд эмаслигини таъкидлаб ўтиш зарур. Бундан ташқари, баҳоловчи экспертларнинг тегишли профессионал ўқитиш ва аттестациясини, баҳолаш фаолиятининг илмий негизини таъминловчи услубий материалларни тайёрлаш ва ишлаб чиқишнинг чет эл профессионал андозаларини замон шароитларига мослаштиришни ташкил этмасдан туриб, баҳолаш фаолиятини амалга ошириб бўлмайди.

Умуман олганда, Ўзбекистонда баҳолаш фаолияти маълум даражада ривожланмоқда, негаки сотиш ва сотиб олиш, ижара, гаров, суғурта, асосий жамғармаларни қайта баҳолаш, корхоналарнинг бирлашуви ва жалб этилиши, меросхўрлик ҳуқуқини бажарилиши, суд ҳукмининг ижро этилиши учун ўз вақтида объектни баҳолаш зарур бўлади.

Баҳолаш фаолияти билан шуғулланувчи малакали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш керак. Бу мақсадни амалга ошириш учун ўқув адабиёти, техник ва бошқа воситаларнинг тегишли мажмуасини тайёрлаш лозим.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари: Ишда кўчмас мулк бозори, баҳолашнинг ҳуқуқий ва меъёрий асослари ҳамда тамойиллари таърифланган. Унда, ердан фойдаланишнинг ҳуқуқий негизлари кўриб чиқилган, ерни иқтисодий баҳолашнинг асосий усуллари келтирилган. Кўчмас мулкни хужжатлаштириш ва унинг техник ҳолатларини баҳоланиши муҳокама этилган.

Битирув ишида баҳолашнинг бозор ва нобозор усуллариининг услубий асослари баён этилган. Яхшиланишларни баҳолашнинг даромадли усули - даромадни капиталлаштириш ва келгуси даромадларни дисконтлашнинг мазмуни батафсил ёритилган. Кўчмас мулк объекларнинг маълум бир хусусиятлари ва шу объекларнинг фойдалилик томонлари одамларнинг эҳтиёжларини қондира олиш даражаси уларнинг фойдалилик даражаларини

қийматларини ёки бошқача сўз билан айтганда истемол қийматларини белгилаб беради. Кўчмас мулк бозорида баҳолаш фаолиятининг тикланиши ва оёққа туришига иқтисодиётдаги бозор ислохотларининг ривож топиши сабаб бўлди. Бу тушунарли ҳолатдир, негаки айнан бозорнинг ривожланиши мамлакат иқтисодиётидаги барча келгуси ўзгаришларни белгилаб беради. Кўчмас мулк бозорида биноларнинг ўрни жуда катта бўлиб, бўчмас мулк бозарининг асосий қисмини бино ва иншоотлар ташкил қилади. Кўплаб бино ва иншоотларнинг техник ҳолати жуда мустаҳкам аммо уларнинг кўриниши ҳозирги замон талабига жавоб бермагани учун ҳозирги вақтда бино ва иншоотларга реконструкция ишлари олиб борилиб, модернизация қилинмоқда, сабаби Ўзбекистон ривожланган давлатлар қаторига аста секинлик билан кириб бормоқда, шу сабабли мамлакатимизнинг ташқи кўриниши жуда катта аҳамиятга эгадир. Амир Темур бобомизнинг “ бизнинг кимлигимизни билмоқчи бўлсанг, биз қурган бино ва иншоотларга қара” айтган сўзи ўз исботини топмоқда сабаби, қайси ривожланган давлатга қараманг осмон ўпар бино ва иншоотларига кўзингиз тушади. Бизнинг олдимизга қўйган мақсадимиз кўчмас мулк бозорини жуда мукаммал яъни замон талабига жавоб бера оладиган даражада шакиллантирмоғимиз лозим.

Битирув ишида баҳолаш тадбири, баҳолаш объектининг қисқача таърифи, баҳолашнинг турли усуллари ёрдамида қийматни аниқлаш ва олинган якуний натижаларнинг мувофиқлаштиришни ўз ичига олган кўчмас мулкни баҳолаш ҳақидаги мукаммал ҳисобот намунаси келтирилган.

Битирув ишининг объекти. Полиэтилен ва полипропилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи

I- БОБ. КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ БАҲОЛАШ ЖИҲАТЛАРИНИ НАЗАРИЙ УСЛУБИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШ.

1.1. Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулк бозори тавсифи.

Мустақил давлатнинг ривожланаётган иқтисодиётидаги энг муҳим долзарб муаммоларидан ҳисобланган, бозор инфратузилмасини шакллантириш, бозор иштирокчилари ўртасида мўътадил, маданиятли рақобатга риоя қилишдир. Бозор муносабатларининг ривожланиши, хусусий мулк институтининг пайдо бўла бошлаши, кўчмас мулк бозорининг фаоллаштирилиши, кўчмас мулк соҳасини бошқариш ва назорат қилишни давлат тизимига киритиш зарурияти вужудга келди, негаки кўчмас мулк соҳасидаги бозор инфратузилмасининг бош ислохотчиси давлатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳўзиридаги Ислохот ва инвестициялар бўйича идоралараро координацион кенгашнинг «Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорида хусусан қуйидагилар қайд қилинган: бизнесга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бозор инфратузилмаси, унинг барча институтларининг устувор тараққиёти таъминлансин, дейилган.

Кўчмас мулк бозорининг ўрни ва аҳамияти қуйидагилардан иборат:

- бу нафақат мутахассислар, балки барча фуқаролар иштирок этадиган муносабатлар доираси, яъни бу аввало ижтимоий бозордир. Шунинг учун улар кўчмас мулк бозорининг ривожланиши умуман ҳар бир шахс мамлакатнинг иқтисодий равнақи шароитларини таъминланишидан манфаатдордирлар;
- кўчмас мулк бозорининг ривожланиши, ушбу бозорсиз мавжуд бўлолмайдиган, ишлаб чиқариш ва фуқаролар фаровонлигининг ўсишига олиб боровчи инвестицион жараёнларнинг ривожини таъминлайди.

Кўчмас мулк бозори - бу мулк ҳуқуқларини беришга, нархларни белгилашга, ердан фойдаланиш ва уни яхшилашларнинг рақобат қилувчи турлари ўртасида ҳудудларни қайта тақсимлашга имкон берадиган механизмларнинг муайян тўпламидир.

Кўчмас мулк бозори - мураккаб тўзилма. Ҳаридорлар ва сотувчиларни бирга учраштириш учун бозорда кўчмас мулк операциялари бўйича вакиллар, ипотека кредитори, суғуртачи, ҳуқуқшунослар ишлайдилар.

Турли ҳудудлар ёки туманлардаги кўчмас мулк бозорлари бир-биридан катта фарқ қилади. Масалан, ҳар бир ер майдони ўзига хос бўлиб, қурилиш учун фойдаланилиши, қишлоқ хўжалик, саноат мақсадларига хизмат қилиши мумкин. Бу фарқлар иқтисодий шароитлар, маҳаллий ҳокимият белгилайдиган ҳудудий ҳуқуқий негиздаги тавофутлар натижасида ҳам келиб чиқади.

Ҳозирги кунда кўчмас мулк бозори самарали бўлиши учун қуйидаги шароитларни яратиш лозим:

- бозорни марказлаштириш шароитидан чиқариш;
- андозалаштирилган мулкни мавжудлиги,
- сотувлар ва нархлар ҳажмларининг мавсумий тебранишлари йўқлиги,
- оддий молиялаштириш, ҳуқуқий талаблар ва чеклашларни минимумига келтириш;
- маҳаллий ҳокимият томонидан бозорга ўтказиладиган таъсирини йўқотиш.

Юқорида қайд этилган шартларни бажариш жуда ҳам мураккаб, шунинг учун ҳам кўчмас мулк бозори ҳали мукаммал эмас. Бундан ташқари, кўчмас мулк бозорида келишувлар баъзида яширин (хусусий) хусусиятга эга. Давлат институтларида рўйхатга олиш вақтида кўпинча маълумотларнинг ҳаммаси киритилмайди ёки улар аниқ бўлмайди. Сотиб олиш ва сотиш шартномасида кўрсатилган нарх ҳар, доим ҳам тўланган нархга тўғри келавермайди. Ҳақиқий нархлар ҳақида маълумотлар тўплаш борасида баҳоловчи анча қийналади. Баъзида келишувлар ахборотлар етарли бўлмаган, асосланмаган маълумотларга таянган ҳолларда амалга оширилади, шунинг учун ҳам нархлар юқори ёки паст бўлади. Шу сабабли ҳам бозор маълумотлари таҳлиliga ўта эҳтиёткорлик билан ва ҳис-ҳаяжонсиз ёндошиш лозим.

Кўчмас мулк бозорида юзага келувчи вазиятни яхшироқ тушуниш учун унинг ўзига хос камчиликларини ва уларнинг бозор ҳолатига таъсирини кўриб

чиқайлик:

1. Кўчмас мулк бозорида ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларни шакллантириш бўйича ягона сиёсат (кўчмас мулк бозорининг ривожланиш концепцияси) га риоя қилинмаслиги:

- муносабатлар умуман бозор бўйича эмас, балки унинг алоҳида таркибий қисмлари (ер, тураржойлар ва одам турмайдиган жойлар, саноат кўчмас мулки ва б.) бўйича, асосан улар орасидаги ўзаро алоқаларсиз бошқарилади.

- «Кўчмас мулк бозори» деган умумлаштирилган тушунча қонунчилик даражасида мавжуд эмас.

- атамалар ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ аниқланмаган, изга солинмаган, тушунчалар бўйича ишлар етарлича тартибга солинмаган.

- маҳаллий ҳокимият органларининг «қонун чиқаришдаги ихтиёрийлиги» учун қулай шароит яратилаяпти.

2. Мавжуд кўринишдаги ер қонунлари ер учун хусусий мулкни фақат унинг бирор мақсадга қаратилган қатъий чекланган турлари учун мўлжаллаган, шунинг учун ерга бўлган иқтисодий муомала энг кам миқдоргача чекланган.

3. Кўчмас мулкни бошқариш бозор ривожланиши эҳтиёжларига мос келмайди:

- тураржой фондиниинг бошқарилиши деярли тамомила ҳокимиятнинг муниципал ва соҳа органларида мужассамлашган;

- айтиб ўтилган объектларнинг ижобий сифатларини орттириш ва улардан фойда олиш мақсадида фойдаланиш бўйича фаолият юритилмаётгани туфайли кўчмас мулк объектлари самарали бошқарилмаяпти, бутун «бошқарув» тизими бино ва иншоотлар эксплуатациясидан иборат бўлиб қолмоқда.

5. Кўчмас мулк бозорини ахборот билан таъминлаш ривожланмаган:

- маълумотлар базаси тўлиқ эмас ва турли бошқармалар бўйлаб тарқоқ ҳолда ёйилган;

- кўчмас мулк объектлари, уларнинг келишувда қатнашувчи эгалари ва фуқароларнинг лаёқати ҳақида тегишли идоралардан расмий ахборот олиш

қийинлашган;

- бозорнинг профессионал иштирокчилари ҳақидаги ахборот ёпиқлигича қолиб келмоқда, бу борада ойдинлик йўқ.

- баҳолаш фаолияти ҳақидаги давлат қонунни жорий қилиниши;

- кўчмас мулк ҳуқуқлари ва у бўйича келишувларни рўйхатга олиш тизимини вужудга келиши. Чунки бу тизим, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси - шу масала бўйича асосий ҳуқуқ манбаи кўринишида қонуний асосга эга;

- фуқаролик ҳуқуқлари объектларини мустақил баҳолаш институти ривожланиши;

- баҳолаш фаолиятини лицензиялаш органлари яратилиши;

- ҳам хусусий мулк, ҳам давлат мулкни сотиб олиш ва сотиш келишувлари сони кўпайиши (хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш кўринишида) ва х.к.

Шундай қилиб, юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш бўйича манфаатдор давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги ёрдамида шаклланаётган бозор инфратузилмаси кўчмас мулк бозори иштирокчиларига тез, ишончли, қулай ва арзон оммавий хизматларни кўрсатишга имкон берувчи бозордаги янги вазият яратилапти.

Кўчмас мулкни баҳолаш соҳасидаги қонуний асослар.

Кўчмас мулкни техник, ҳуқуқий ва иқтисодий баҳолаш операциялари, уларнинг дастлабки йилларда сотиш нархини аниқлаш, ер кодекси ва кадастри ҳамда баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун, маълум қонуний ва меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилаяпти.

Шу ҳужжатларнинг тегишли қисмларини келтирамыз. Ўзбекистон Республикасининг 1991-йил 19-ноябрдан кучга кирган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» ги Қонуни (31.08.95- йилдаги №118-1; 26.12.97- йилдаги №349-1 қарорларда ЎзР Қонунига ўзгартиришлар киритилган).

1. Жамоат мулки объектининг қийматини дастлабки баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда бажарилади (26.12.97- йилдаги №349-1 ЎЗР Қонунининг таҳририда).

Ер кодекси тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси» 1998-йил 1-июлдан кучга кирган ва у Ўзбекистон Республикасида ердан фойдаланишнинг ҳуқуқий хусусиятларини бошқаради.

Жумладан, «Ер кодекси» да қуйидагилар кўрсатиб ўтилган:

7 - модда. Шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини бошқариш соҳасидаги омилкорлиги.

Шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини бошқариш соҳасидаги йўналишларига қуйидагилар киради:

- ер майдонларини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги объектлар билан бирга юридик ва жисмоний шахсларга хусусий мулк сифатида сотиш.

«Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонун. Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 19.08.1999 - йилдаги Қарори билан тасдиқланган.

Жумладан, ушбу Қонунда қуйидагилар келтирилган:

3-модда. Баҳолаш фаолияти тушунчаси.

Баҳолаш фаолияти деганда баҳоловчининг (юридик ёки жисмоний шахснинг) баҳолаш объекти қийматини аниқлашга қаратилган фаолияти тушунилади.

14-модда. Баҳоловчининг ҳуқуқлари.

Баҳоловчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- баҳолаш усуллари мустақил равишда қўллаш;
- баҳолаш объектини мажбурий баҳолашдан ўтказишда ҳужжатлардан фойдаланиш эркинлигини таъминлашни буюртмачидан талаб қилишга, ушбу баҳолашни амалга ошириш учун зарур бўлган тушунтиришларни ва қўшимча маълумотлар олишга;
- баҳолаш объектни баҳолашдан ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни учинчи шахслардан талаб қилиб олишга. Мазкур ахборотни беришни рад этиш

баҳолашнинг ишончилигига жиддий таъсир этадиган ҳолларда, баҳоловчи бунинча баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатиб ўтади;

- баҳолашни ўтказишда иштирок этишга заруриятга қараб бошқа баҳоловчилар ёки ўзга мутахассисларни жалб этиш;

- буюртмачи шартнома шартларини бузган баҳолаш объекти ҳақида зарур ахборот тақдим этилишининг ёки шартномага мувофиқ иш шароитларининг таъминламаган ҳолларда, баҳолашни ўтказишни рад этишга ҳақли.

Баҳоловчи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Кўчмас мулкни баҳолашнинг меъёрий асослари.

Кўчмас мулк устидаги амаллар ва уни баҳолаш жараёни маълум меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ташкил қилинади. Уни баҳолаш Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги меъёрий-техник ҳужжатлари асосида амалга оширилади

- 1993-йилда -асосий воситаларнинг емирилишига қараб уларнинг қийматини қайта баҳолаш коэффициенти. «Ўзбекистон Республикасининг асосий воситаларни қайта баҳолашни ўтказиш тартиби», 9.06.1993-йилда тасдиқланган. №1-илова.

- Асосий воситалар қийматини қайта ҳисоблаш индекслари. Вазирлар Маҳкамасининг 01.06.1993- йилдаги №261-Қарори. №1-илова.

- 1995- йилда асосий воситалар қийматини қайта баҳолаш индекслари. Вазирлар Маҳкамасининг 28.11.1994- йилдаги №572-Қарори. №1-илова.

- Вазирлар Маҳкамасининг 23.11.1994- йилдаги №575 Қарорида ёрдамчи хўжаликни юритиш учун (0,06 га) ва тураржой қурилиши учун (0,04 га) ер майдонлари учун умрбод мерос қилиб олинadиган эгалик ҳуқуқини мамлакат фуқароларига сотиш кўзда тутилган.

- Жисмоний шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган бино ва иншоотларни баҳолаш, қайта баҳолаш тўғрисидаги қоида. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 29.12.1995- йилдаги №478 Қарори билан тасдиқланган.

- Жисмоний шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган бинолар ва иншоотлар бўйича инвентаризацион-баҳолаш ишларини ўтказиш тўғрисида. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 21.01.1998- йилдаги №35 қарори.
- Ўзбекистон Республикаси давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби. ЎзР Давлат мулк қўмитасининг Раиси томонидан 1997- йил 23- майда тасдиқланган. (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 23.05.1997- йил, №345 билан рўйхатга олинган).
- Тураржой бинолари жисмоний емирилишини баҳолаш тўғрисидаги қоида. ҚМҚ 2.01.16-97. Фуқаролар турмайдиган бино ва иншоотлар тикланма қийматининг йириклаштирилган кўрсаткичлари тўплами. ГККИНТП - 18-01-99. Т., 1999- йил.


Кўчмас мулк устида бажариладиган амалларга доир яна бир неча техник ва меъёрий ҳужжатлар мавжуд, янгилари жорий этиляпти.

1.2. Кўчмас мулк бозорида кўчмас мулкни баҳолашнинг ёндошув ва усуллари.

1. Баҳолаш объектини баҳолашни амалга оширишда баҳоловчи баҳолашнинг даромадга оид, қиёсий ва харажатга оид ёндашувларидан фойдаланиши (ёки фойдаланишдан воз кечиш сабабларини асослаши) лозим. Ҳар бир баҳолаш ёндашуви доирасида 10-сон МБМСда белгиланган усулларни танлашни баҳоловчи баҳолаш мақсади, баҳолаш объектининг хусусияти ва ривожланиш имкониятлари, чекловчи шартлар, ахборот базаси мавжудлиги ва унинг тўлиқлигини ҳисобга олиб мустақил амалга оширади.

Баҳолаш объекти қийматини **даромадга оид ёндашув** билан аниқлаш учун баҳоловчи баҳолаш объектидан кутилаётган даромадларни баҳолаш санасида қийматнинг ягона миқдорига ўзгартиришга асосланган қуйидаги усуллардан бирини қўллайди:

- тўғридан-тўғри капиталлаштириш усули;
- пул оқимларини дисконтлаш усули.



Манба: Н.Ж. Тўйчиев, Г.А. Нигманова, Мулкни баҳолаш (Ўқув қўлланма) 92- б.

Тўғридан-тўғри капиталлаштириш усули жорий фойдаланиш кўрсаткичи энг самарали фойдаланиш кўрсаткичига мувофиқ бўлган амалдаги кўчмас мулк объектини баҳолаш учун қўлланилади. Тўғридан-тўғри капиталлаштириш усулини қўллаганда баҳоловчи:

- баҳолаш объектидан кутилаётган даромадни ҳисоблайди;
- капиталлаштириш ставкаси ёки рента мультипликаторини ҳисоблайди.

Баҳолаш объекти қийматини даромадни капиталлаштириш ставкасига бўлиш ёки ялпи ёки соф рента мультипликаторига кўпайтириш йўли билан аниқлайди. Ўзгартирилиши лозим бўлган кутилаётган даромад сифатида унинг қуйидаги турларидан бири олинади:

- эҳтимол тутилган ялпи даромад, яъни кўчмас мулкдан у тўлиқ юкланган шароитда ҳамда барча йўқотишлар ва харажатларни ҳисобга олмаган ҳолда олинishi мумкин бўлган даромад;
- эҳтимол тутилган ялпи даромаддан майдонлардан тўлалигича фойдаланмаслик туфайли юз берган йўқотишларни айириш ва ижара ҳақи олинганда кўчмас мулк объектидан бозор мақсадларида нормал фойдаланишдан олинган бошқа даромадларни қўшиш йўли билан олинadиган ҳақиқий ялпи даромад;
- ҳақиқий ялпи даромаддан амортизация ажратмаларини ўз ичига олмайдиган

операцион харажатларни айириш йўли билан олинадиган соф операцион даромад.

Кўчмас мулк объектининг таркибий қисмларидан бири (ер участкаси ёки яхшилашлар) қиймати ҳақида зарурий бошланғич маълумотлар мавжуд бўлса, бошқа таркибий қисм қиймати кўчмас мулкнинг қийматини унга мувофиқ бўлган капиталлаштириш ставкасидан фойдаланиб ҳисоблаш талаб этиладиган таркибий қисмига мансуб бўлган даромадни тўғридан-тўғри капиталлаштиришдан иборат бўлган қолдиқ техникасини йўллаш йўли билан аниқланади.

Пул оқимларини дисконтлаш усули даромадлар ва харажатларнинг ўзгариш динамикаси мунтазам бўлмаган кўчмас мулк объектларини баҳолаш учун қўлланилади. Баҳолаш объекти қиймати пул оқимларини дисконтлаш усули билан баҳолаш объектидан фойдаланишдан келган пул оқимларининг прогноз давридаги жорий қийматлари ва баҳолаш объектининг прогноз даври тугаганидан кейинги жорий қиймати йиғиндиси сифатида аниқланади.

Пул оқимларини дисконтлаш усулини қўллаганда баҳоловчи:

- прогноз даври муддатини аниқлайди;
- прогноз даврида олинадиган пул оқимлари қийматларини ҳисоблайди;
- баҳолаш объектининг прогноз даври тугаганидан кейинги қийматини ҳисоблайди;
- дисконтлаш ставкасини ҳисоблайди;
- баҳолаш объекти қийматини пул оқимларининг жорий қийматлари ва баҳолаш объектининг прогноз даври тугаганидан кейинги жорий қийматини қўшиш йўли билан аниқлайди.

Прогноз даври сифатида, қоида тариқасида, шундай бир давр муддати олинадигани, унинг мобайнида кўчмас мулк объекти харажатлар ва даромадларнинг мунтазам бўлмаган оқимларини яратади.

Прогноз даврида олинадиган пул оқимлари ўлчови сифатида қуйидаги даромад турларидан бири олинади:

- эҳтимолий ялпи даромад;
- ҳақиқий ялпи даромад;
- соф операцион даромад;
- солиқлар тўлангунга қадар қарзга хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар чегириб ташланган соф операцион даромадга тенг бўлган пул оқими;
- пул оқимлари номинал ёки реал ўлчовларда ҳисобланади.

Баҳолаш объекти қийматини **қиёсий ёндашув** билан аниқлаш учун баҳоловчи ўхшаш объектлар билан битимларнинг бозор нархларига доир ахборот таҳлилига асосланган қуйидаги усуллардан бирини қўллайди:

- сотувларни таққослаш усули;
- нарх ва даромад нисбати усули.

Битимларнинг нархларига доир ахборот етарли бўлмаган ҳолда, нархнинг пасайишига скидкани ҳисобга олиб, таклиф нархларига доир ахборотдан фойдаланишга йўл қўйилади.

Сотувларни таққослаш усулини қўллаганда баҳоловчи:

кўчмас мулк бозорининг бир сегментига мансуб бўлиши ва улар билан битимлар бозорнинг шу сегментига хос бўлган шартларда амалга оширилиши лозим бўлган аналоглар тўпламини шакллантиради;

баҳолаш объекти бозорига хос бўлган таққослаш бирликларини танлайди;

аналогларни баҳолаш объекти билан таққослаш элементлари кўра, таққослаш бирликларидан фойдаланган ҳолда солиштиради ва ҳар бир таққослаш элементи бўйича баҳолаш объектига нисбатан ҳар бир аналог нархига тузатишлар киритади;

аналоглар нархларининг тузатиш киритилган қийматларини мувофиқлаштириш йўли билан баҳолаш объекти қийматининг ягона миқдорини чиқаради.

Таққослашнинг ҳисобга олиниши шарт бўлган асосий элементларига қуйидагилар киради:

- топшириладиган мулк хуқуқлар;
- молиялаштириш шартлари;

- сотув шартлари;
- хариддан кейинги харажатлар;
- бозор шартлари;
- жойлашган ери;
- баҳолаш объектининг физик тавсифлари;
- баҳолаш объектининг иқтисодий тавсифлари;
- фойдаланиш тури;

Таққослама сотувларнинг тузатишлар киритилган қийматларини ягона қийматга мувофиқлаштириш, қоида тариқасида, ўртача ўлчанган қийматни ҳисоблаш йўли билан амалга оширилади, бунда аналоглар нархларининг энг кам тузатишлар киритилган қийматларига энг катта оғирлик берилади.

Нарх ва даромад нисбати усули ўхшаш объектлар бўйича нарх ва даромад нисбатининг таҳлилига ва мазкур таҳлил натижасидан баҳолаш объектини баҳолашда фойдаланишга асосланади.

барча аналоглар бўйича ялпи рента мультипликаторининг ўртача ўлчанган қийматини аниқлайди;

баҳолаш объектининг ялпи даромадини ялпи рента мультипликаторининг ўртача ўлчанган қийматига кўпайтириш йўли билан баҳолаш объекти қийматини ҳисоблайди.

Капиталлаштириш умумий ставкаси фойдаланилган ҳолда нарх ва даромад нисбати усулини қўллаганда баҳоловчи:

баҳолаш объектининг соф операцион даромадини ҳисоблайди;

сотув нархи ва соф операцион даромад қиймати ҳақида ахборот мавжуд бўлган аналоглар тўпламини шакллантиради;

зарур ҳолда аналогларнинг баҳолаш объекти билан қиёсийлигини оширадиган тузатишлар киритади;

хар бир аналог бўйича соф операцион даромадни сотув нархига бўлиш йўли билан капиталлаштириш умумий ставкасини ҳисоблайди;

барча аналоглар бўйича капиталлаштириш умумий ставкасининг ўртача

ўлчанган қийматини аниқлайди;

баҳолаш объектининг соф операцион даромадини капиталлаштириш умумий ставкасининг ўртача ўлчанган қийматига бўлиш йўли билан баҳолаш объекти қийматини ҳисоблайди.

Баҳолаш объекти қиймати харажатга оид ёндашув билан ер участкасига бўлган мулк хуқуқлар қиймати ва яхшилашлар тиклаш қийматининг йиғилган эскириш ҳажми чегириб ташланган йиғиндиси сифатида аниқланади.

Баҳолаш объекти қийматини харажатга оид ёндашув билан аниқлашда баҳоловчи қуйидагиларни ҳисоблайди:

- ер участкасига бўлган мулк хуқуқлар қийматини;
- яхшилашларни тиклаш ёки ўрнига белгилаш харажатларини;
- кўчмас мулк объектини яратишда хусусий капиталдан (инвестициялардан) фойдаланиш таваккали учун тадбиркорга (инвесторга) тўланадиган мукофотдан иборат бўлган тадбиркор даромадини;

яхшилашларнинг йиғилган эскириши ҳажмини;

яхшилашларни тиклаш ёки ўрнига белгилаш харажатлари ва тадбиркор даромадининг йиғилган эскириш ҳажмига камайтирилган йиғиндиси сифатида яхшилашлар қийматини;

ер участкасига бўлган мулк хуқуқлар қиймати ва яхшилашлар қийматининг йиғиндиси сифатида баҳолаш объекти қийматини.

Яхшилашларни тиклаш ёки ўрнига белгилаш харажатлари қурилиш билан бевосита боғлиқ бўлган тўғридан-тўғри харажатлар ва яхшилашларни амалга оширишда қилинадиган, лекин қурилиш-монтаж ишлари таркибига киритилмайдиган билвосита харажатлар йиғиндиси сифатида аниқланади.

Яхшилашларни тиклаш ёки ўрнига белгилаш харажатлари қийматини ҳисоблаш учун қуйидаги усуллардан бири қўлланилади:

қиёсий бирлик усули;

компонентларга ажратиш усули;

айрим нархлар усули, у икки хил асосий турларга эга – ресурсли усул ва

базисли-индексли усул;

аналоглар усули.

Тадбиркор даромадининг қиймати бозор ахборотиға мувофиқ қуйидаги усуллардан бири билан аниқланади:

аналоглар усули билан;

эксперт баҳолаш усули билан;

киритилган харажатлар усули билан.

Йиғилган эскириш ҳажми физик, функционал ва ташқи (иқтисодий) эскиришлар натижасида бозор қийматидаги йўқотишлар йиғиндиси сифатида аниқланади. Йиғилган эскиришни баҳолаш учун, баҳолашни бажариш мақсадларига ва мавжуд ахборотга қараб, қуйидаги усуллардан бири қўлланилади:

- яхшилашларнинг ҳақиқий ёши ва уларнинг иқтисодий хизмат муддатини таққослашга асосланган иқтисодий ёш усули;
- йиғилган эскириш ҳажми яхшилашларнинг тиклаш қиймати ёки ўрнига белгилаш қиймати билан ер участкасининг сотув нархидан мазкур участкага бўлган мулкӣ ҳуқуқлар қийматини айириш йўли билан ҳисобланган яхшилашлар қиймати ўртасидаги тафовут сифатида аниқланадиган ўхшаш объектларнинг сотув нархлари таҳлилига асосланган бозор экстракцияси усули;
- йиғилган эскиришни физик (бартараф этиладиган ва бартараф этиб бўлмайдиган) эскириш, функционал (бартараф этиладиган ва бартараф этиб бўлмайдиган) ва ташқи (иқтисодий) эскириш йиғиндиси сифатида баҳолашга асосланган ажратиш усули.

1.3. Кўчмас мулкни бошқариш.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач кўчмас мулкни бошқариш фаолиятининг ривожланиши ва оёққа туришига иқтисодиётдаги бозор ислохотларининг ривож топиши сабаб бўлди. Бу тушунарли ҳолатдир, негаки айнан бозорнинг ривожланиши мамлакат иқтисодиётидаги барча келгуси ўзгаришларни белгилаб беради.

Республикада кўчмас мулк бозорининг бошқариш ва ривожланиши бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда. Кўчмас мулк бозори бошқариш инфратузилмаси субъектлари яратилди ва муваффақиятли иш юритмоқда: буларга Республика кўчмас мулк биржаси, кўчмас мулк ва инвестициялар агентлиги, ўндан зиёд хусусий риэлторлик фирмалари ҳамда 80 дан ортиқ брокерлик идоралари ва баҳолаш инфратузилмаси киради.

Кўчмас мулк бошқаруви тизимларининг фаолиятларини таҳлил қилиб, уларда бўлаётган жараёнларни йўлга қўйишдан иборат бўлади ва шу асосида тўғри ҳулосалар берилиши лозим бўлади, кўчмас мулк бошқарувини ривожлантириш учун дастурлар ва таклифлар ишлаб чиқади. Кўчмас мулк бошқаруви асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг чиқарган қонун ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Кўчмас мулк бошқармасининг турли хил қарор ва қонунларидан, МБМСларидан четга чиқмаган ҳолда, конституция, қонун ва фармонларга зид бўлмаган равишда бошқарилиши лозим. Ҳар бир вилоятни ўзини кўчмас мулк бошқармаси бор, ушбу кўчмас мулк бошқармалари ўзларини вилоятларида бўлаётган иш жараёнлари: ҳалқга, давлат ташкилотларга ер участкалари бериш, юридик ва жисмоний шахсларни давлат банкларидан олган керидетларини тўлай олмаганликлари сабабли гаров сифатида қўйилган уларнинг мол мулкларини аукцион орқали сотиб бериш ишларини олиб боради.

Бошқарув жараёнларни илмий асосланганлиги ва тўғри белгиланганлиги бошқарув учун жуда муҳимдир. Бошқариш функциялари:

- бошқариш усуллари:
- бошқаришнинг тузилмавий таркиби:
- лавозимларни белгилаш ва кадрларни танлаш каби муҳим масалалар ҳал этилади.


Умумжамият миқёсидаги муносабатларни акс эттирилишига қараб мақсад турлари.

1. Бошқарув поғоналарига қараб.
2. Амалга ошириш муддатига қараб.
3. Бошқарувнинг амалга оширилишига қараб.
4. Кутиладиган натижаларга қараб.
5. Мураккаблик даражасига қараб.

Бошқариш функцияси деганда у ёки бу объектни бошқаришга оид аниқ вазифаларни ҳал этишга қаратилган бир турдаги ишлар мажмуи тушунилади. Бошқарув функцияларининг мазмуни у ёки бу фаолиятини ташкил қилишдан келиб чиқади. Масалан, ишлаб чиқаришнинг дастлабки босқичида:

- Лойиҳалаш;
- Конструкторлик;
- Режалаштириш каби ишларни бажариш билан боғлиқ функциялар пайдо бўлади. Кейинги функциялар ишлаб чиқаришни тайёрлаш, яъни,
- Маҳсулот тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш;
- Меҳнат нормалар, материаллар сарфини белгилаш;
- Асбо бускуналарни тайёрлаш каби ишларни бажариш билан боғлиқ функциялар пайдо бўлади.

Бошқариш функциялари кўп қиррали тушунчадир шу сабабли уларни муҳим белгилар бўйича туркумларга ажратиб ўрганиш зарурияти туғилади.



Бошқарув функцияларининг моҳияти таснифи ва мазмунини ўзгариш бошқарувинини бутун жараёнини тартибга солиб туриш учун зарурдир, чунки юқорида таъкидлаганимиздек, бошқарув мазмуни жараён сифатида унинг функцияларида намоён бўлади.

Бошқаришнинг асосий функциялари.

1. Режалаштириш.
2. ташкил қилиш.
3. Мувофиқлаштириш ва тартибга солиш.
4. Назорат.

Бошқариш фаолиятининг турларига кўра, функциялар қўйдагича бўлади:

- Бошқаришнинг иқтисодий функциялари;**
- Бошқаришнинг социал функциялари,** яъни
 - Меҳнат шароитини яхшилаш,
 - Ходимларнинг уй жойга эҳтиёжини, сойиал маъданий –эҳтиёжларини қондириш,
 - Моддий раҳбатлантиришни таъминлаш,
 - Ижтимоий ҳимояни таъминлаш ва ҳ.к:
- Бошқаришнинг маънавий маърифий функциялари,**яъни
 - Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш,
 - Ўзаро алоқаларни ўрнатиш ва мувофиқлаштириш,
 - Барча буғин ва бўлимлар ўртасида вазифалар тақсимоти, ваколат ва бошқариш аппарати ходимлар ўртасида маъсулиятни белгилаш,
 - Бошқаришнинг аниқ услубини танлаш ва қарор қабул қилишда ва иш тартибини изчиллиги, ахборотлар оқимини ташкил қилиш ва ҳ.к.

Қайд қилинган функциялар бир –бир билан боғлиқ ва маълум даражада тартибга солинган кўп унсурлардан, таркибий, қисмлардан иборат бўлиб, улар яхлитликка эга. Шунинг учун ҳам бошқариш жараёнида уларнинг бирортаси ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак.

II -Боб. Танланган корхонанинг(«Диллер Сармоя » МЧЖ 2014-йил)

молиявий иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш. Танланган объектнинг меморий-қурилиш лойихаси бажарилади.

2.1 “Диллер Сармоя” МЧ Ж ҳақида қисқача маълумот.

«Диллер Сармоя» М.Ч.Ж. ташкилотининг таъсифларининг умумий йиғилиши қарорига асосан, №1, 10.10. 2004 йил ташкил этилган ва Самарқанд шаҳар ҳокимияти қарорига кўра давлат рўйхатидан ўтказилган. “Реестр. № 993, 24 ноябрь 2004 йил ” .

Жамият томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 апрелдаги ПК-843-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 июндаги №128-сонли Қарори талабларини бажарилиши юзасидан бир катор ишлар амалга оширилди. Жумладан жамият таъсисчиларининг 2004 йил 10 октябрдаги умумий йиғилиш Қарорига асосан таъсис шартномасига ўзгартириш тасдиқланди. Унга кўра жамиятнинг низом жамғарма 70 617 000 (Етмиш миллион олти юзи ун етти минг) сўмни ташкил этган. Низом жамғармасининг 51% Республика «Баҳолаш ва Консалтинг Маркази» МЧЖ хиссасига қолган 49% эса фуқаро «PARVIS PROIKT SERVIS» хиссасига тўғри келади. Низом жамғармаси таъсисчилар томонидан тегишли тартибда тўла шакллантирилган.

Фаолият юзасидан жамиятга қарор талабларини амалда бажарилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулкини Бошқариш Давлат Қўмитаси томонидан 2009 йил 18-мартда «Бизнесни Баҳолаш» фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи BL001 №0070Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензия берилган бўлиб Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш Инспекцияси томонидан қайта рўйхатга олинган.

Жамият томонидан баҳоловчиларнинг профессионал жавобгарлигини суғурталаш бўйича ўз фаолиятини амалга ошириб келмокда. Жумладан “Kapitalsug’urta” суғурта компанияси Самарқанд шаҳар бўлимининг 2012 йил

14 майдан 2013 йил 13 майгача амал килувчи №05/56/1/015851-рақамли, «Баҳоловчиларнинг профессионал жавобгарлигини суғурталаш бўйича» суғурта пули 500000,0 минг сўмлик Полисига эга.

Ташкилотда 2012 йил давомида ўртача 8 нафар ишчи ходим мутахасислар, баҳоловчи лавозимлари бўйича меҳнат фаолият олиб борди. 8 нафар ходимнинг 8 таси олий маълумотли ходимлар ҳисобланади. Ҳозирда 6 нафар ходимлар Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат кумитасининг баҳоловчи сифатида фаолият кўрсатиш ҳукукини берувчи Баҳоловчининг малака сертификатига эга. ташкилотни 2012 йил фаолияти давомида кўрсатилган давр харажатлари 210 275,95 сўм.

2.1.жадвал

Т/р.	Номи	Миқдори (Сўм)
1	Банк хизмати	1 548 977
2	Ходимларни ўқитиш учун харажатлар	2 593 000
3	Телефон алоқа хизматлари	860 000
4	Интернет хизматлари	1 621 827
5	Суғурта тўловлари	2 035 972
6	Янги йил тадбири учун харажатлар	799 000
7	Автомобиль эҳтиёт қисмлари учун	1 180 900
8	Меҳмонхона харажатлари	869 596
9	Иш ҳаққи фонди	95 731 812
10	25% ягона ижтимоий тўлов	22 988 348
11	Қурилиш материаллари	15 750 000
12	Хизмат сафари харажатлари	4 250 000
13	Асосий воситаларнинг эскириши 2011 йил	11 596 206
14	Офис ижараси харажатлари	7 416 649
15	Моддий ёрдам	1 000 000
16	Канцелярия моллари учун харажатлар	21 182 870
17	Жарималар ДСИга	1 098 524
18	Бошқа харажатлар	17 751 439
	ЖАМИ:	210 275 954 сўм.

миқдорида ташкил этди. ташкил этиб 2012 йил ҳисоботини 70 617.0 минг сўм соф фойда билан якунлади.

Жамият томонидан Бахоловчи мутахсис ходимлар малакасини ошириш бўйича бир мунча ишлар амалга оширилди. Жумладан ўтган йили 2-нафар Бахоловчи мутахсис фаолияти юзасидан малака ошириб кайтди, 2-нафар Бахоловчи мутахсис ёрдамчилари малака сертификатига эга бўлиш учун маҳаллий бизнес мактабда таҳсил олиб айти пайтда малака имтиҳонларига тайёрланмоқдалар. Келгусида ҳам мутахсис ходимлар малакасини ошириш, янги мутахсис ходимлар тайёрлаш, ҳисоботларни сифатини ошириш, ички назоратни кучайтириш ва фаолият юзасидан бошқа кенг қўламли ишларни амалга оширишни 2012 йил учун режа қилиб қўйган. Жамият томонидан камчимликларни бартараф этиш бўйича чора тадбирлар қўрилмоқда. Бунда ҳисоботларни сифатини янада яхшилаш кадрлар масаласига эътиборни кучайтириш, ички назорат тартибини янада яхшилаш ва бошқалар инobatга олинган.

2.2 “Диллер Сармоя” М.Ч.Ж. нинг иқтисодий

кўрсаткичлари таҳлили.

Жамият таъсисчиларининг 2011 йил 21 майдаги умумий йиғилиш Қарори билан жамият низоми ва таъсис шартномасига қушимча ва ўзгартиришлар киритилган бўлиб Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг «Тадбиркорлик субъекларини руйхатга олиш олиш инспекцияси» томонидан руйхатга олинган. Жамият Низом жамгармаси 110000,0 минг сўмни (бир юз ўн миллион) ташкил этади. Низом жамгармасининг 51% Республика «Баҳолаш ва Консалтинг Маркази» МЧЖ хиссасига, қолган 49% эса жамоа хиссасига тугри келади. Низом жамгармаси таъсисчилар томонидан тегишли тартибда тула шакллантирилди.

Жамият томонидан бахоловчиларнинг касбий жавобгарлигини сугурталаш бўйича ўз фаолиятини амалга ошириб келмоқда. Жумладан 2010 йил 11 октябрдан 2011 йил 10 октябргача амал қилувчи «Ўзагросугурта» ДАСК нинг Самарқанд шаҳар булинмасининг №070934-рақамли, №002-сонли «Бахоловчиларнинг касбий жавобгарлигини сугурталаш бўйича» сугурта пули 250000,0 минг сўмлик Полисига ҳамда «Халқ сугурта» МЧЖ шаклидаги

сугурта компанияси Самарканд вилоят филиалининг 2011 йил 11 октябрдан 2012 йил 10 октябргача амал килувчи №08/13/00001-сонли «Баҳоловчиларнинг касбий жавобгарлигини сугурталаш бўйича» сугурта пули 250000,0 минг сўмлик Полисига эга. Ушбу жадвалда келтирилган Жами ташкилот бўйича амалга оширилган ишларининг Ҳажми, ташкилотни ўз кучи билан бажарган Баҳолаш ишларининг Ҳажми, Ходимларни руйхат бўйича ўртача сони, киши, Ходимларни иш хақи фонди, Бажарилган Баҳолаш ишларининг ишлаб чиқариш таннари, Баланс фойда. Ушбу кўрсаткичларни жами бир йилда ташкилот бўйича бажарилган ишларини ҳажми 311004,3 . кварталларга бўламиз. ташкилотни ўз кучи билан бажарган Баҳолаш ишларининг Ҳажми 311004,3, Ходимларни руйхат бўйичаўртача сони 8 киши Ходимларни иш хақи фонди 98731,8 минг сўм, Бажарилган Баҳолаш ишларининг ишлаб чиқариш таннари 278304,32 минг сўм, Баланс фойда 85728,35 минг сўм. Ушбу кўрсаткичларни кварталларга бўламиз. **1-қв** Баҳолаш ишларининг Ҳажми 77751,08 сўм, ташкилотнинг ўз кучи билан Баҳолаш ишларини бажарган Ҳажми 77751,075 сўм, Ходимлар рўйхати эса 8 киши бўлиб, Ходимларнинг иш хақи 25900,95 сўм , бажарилган Баҳолаш ишларини ишлаб чиқариш таннари 72526,08 сўм, Фойда баланси эса 2213,08. **2-қв** бу кўрсаткич маълум бир миқдорда камайган бўлиб, жами ташкилотда бажарилган ишларини Ҳажми 75751,10 сўмни ташкил этиб, ўз кучи билан бажарилган ишларини Ҳажми 75751,10 ходимлар сони эса 7 киши бўлиб, Ходимларнинг иш хақи Ҳажми 23938,5, Бажарилган Баҳолаш ишларининг Ҳажми 59298,91, ташкилотнинг баланс фойдаси эса 16187,74. 3-қв эса ушбу кўрсаткичлар 2-қв нисбатан анча ортиб жами ташкилотда бажарилган ишларини ҳажми 79851,004 сўмни ташкил этиб, ўз кучи билан бажарилган ишларини ҳажми 79851,004 сўмни ходимлар сони эса 9 киши бўлиб , Ходимларнинг иш хақи ҳажми 27958,95 сўмни , Бажарилган Баҳолаш ишларининг ҳажми 7582,08 сўмни , ташкилотнинг баланс фойдаси эса 24542,11 сўмни ташкил этди. 4-қв эса ташкилотнинг ушбу кўрсаткичлари 3-

қв нисбатан маълум миқдорда камайиб, жами ташкилотда бажарилган ишларини ҳажми 77651,1 сўмни ташкил этиб, ўз кучи билан бажарилган ишларини ҳажми 77651,1 сўмни ходимлар сони эса 8 киши бўлиб, Ходимларнинг иш ҳақи ҳажми 20933,5 сўмни, Бажарилган Баҳолаш ишларининг ҳажми 70653,25 сўмни, ташкилотнинг баланс фойдаси эса 22866,42 сўмни ташкил этди

Хозирда жамиятимизда малакали Баҳолаш сертификатиға эға 6 нафар баҳоловчи ва соҳалар бўйича Баҳолаш жараёнини яхши биладиган 8 нафар турли соҳа мутахассислари ёрдамчи баҳоловчилар мавжуд.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботлар тузиш бўйича ҳисоб сиёсати тузилган. Жамият томонидан Баҳоловчи мутахассис ходимлар малакасини ошириш бўйича бир мунча ишлар амалға оширилди. Жумладан утган йили 4-нафар Баҳоловчи мутахассис фаолияти юзасидан малака ошириб кайтди, 2-нафар Баҳоловчи мутахассис ёрдамчилари имтихонларни мувофаккиятли топшириб малака сертификатиға ҳамда 2-нафар мутахассис тилла ва қимматбаҳо буюмларни Баҳолаш юзасидан уқиб малака оширди.

«Диллер Сармоя» МЧЖнинг баҳолаш фаолияти бўйича 2012-йил якуни кўрсаткичлари 2.2-жадвалда ёритилган.

2.2.-жадвал

«Диллер Сармоя» МЧЖнинг баҳолаш фаолияти бўйича

2014-йил якуни кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Жами бир йилда	Шу жумладан кварталлар бўйича			
			I	II	III	IV
1	Жами ташкилот бўйича бажарилган Баҳолаш ишларининг Ҳажми, минг сўм	311004,3	77751,08	75751,10	79851,004	77651,1
2	ташкilotни ўз кучи билан бажарган баҳолаш ишларининг Ҳажми, минг сўм	311004,3	77751,075	75751,1	79851,004	77651,1
3	Ходимларни руйхат бўйича ўртача сони, киши	8	8	7	9	8
4	Ходимларни иш ҳақи фонди, минг сўм	98731,8	25900,95	23938,5	27958,95	20933,5
5	Бажарилган ишларининг ишлаб чиқариш таннари, минг сўм	278304,32	72526,08	59298,91	75826,08	70653,25
6	Баланс фойда, минг сўм	85728,35	22132,08	16187,74	24542,11	22866,42

Манба: Муаллиф томонидан “Диллер Сармоя” МЧЖнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.

2.3.-жадвал.

**2014 -йилда «Диллер Сармоя» МЧЖ томонидан баҳоланган ишлари
ҳажмини кўрсаткичлари таҳлили.**

№	Кўрсаткичлар	Жами бир йилда		Шу жумладан кварталлар бўйича			
				I	II	III	IV
1	Жами ташкилот бўйича, баҳолаш ишларнинг Ҳажми:	311004,3		77751,08	75751,10	79851	77651,1
	1 кваталарга нисбатан ўзгариш сурати,%			100%	97,4	105,4	97,2
2	А) ташкилотни ўз кучи билан бажарган Баҳолаш ишлари Ҳажми :	Сўм	%	align="right">77751,08	align="right">75751,1	align="right">79851	align="right">77651,12
		311004,3	100,0				
	1 кваталарга нисбатан ўзгариш сурати,%			100%	97,43	105,41	97,25
3	Б) Жалб килинган ташкилотларнинг кучи билан бажарган Баҳолаш ишлари:	Сўм	%	align="center">0	align="center">0	align="center">0	align="center">0
		0	0,0				
	1 кваталарга нисбатан ўзгариш сурати,%			100%	0,0	0,0	0,0

2.4-жадвал.

2014-йилда «Диллер Сармоя» МЧЖ ташкилоти ўз кучи билан баҳолаган ишлар ҳажми ўзгариш динамикаси таҳлили.

Кўрсаткичлар	Ўз кучи билан бажарган баҳолаш Ҳажми, минг сўм	Бажарилган ишлар Ҳажмини ўзгариш суръати ,%	
		Олдинги кварталга нисбатан	1 кварталга нисбатан
1	2	3	4
I	77751,08	100%	100%
II	75751,10	97,4	97,4
III	79851,004	105,4	102,7
IV	77651,1	97,2	99,9
Жами бир йилда	311004,295		

Манба: Муаллиф томонидан “Диллер Сармоя” МЧЖнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.

2.5-жадвал

2014-йилда «Диллер Сармоя» МЧЖ ташкилоти ходимлар сонини ўзгариш кўрсаткичи тахлили.

№	Кўрсаткичлар	Жами бир йилда	Шу жумладан кварталлар бўйича			
			I	II	III	IV
1	Ходимларни рўйхати бўйича ўртача сони, киши	8	8	7	9	8
	Олдинги кваталарга нисбатан Ўзгариш сурати,%	100%	100%	12,5	128,57	88,89
	1 кваталарга нисбатан Ўзгариш сурати,%		100%	87,5	112,5	100,0
2	1 млн сўм КМИга тугри келадиган ходимларнинг сони,киши		108,70	103,89	122,61	100,47
	Олдинги кваталарга нисбатан Ўзгариш сурати,%		100%	95,58	118,0	81,9
	1 кваталарга нисбатан Ўзгариш сурати,%		100%	95,58	112,80	92,43

Манба: Муаллиф томонидан “Диллер Сармоя “ МЧЖнинг иқтисодий кўрсаткичлари тахлили.

2.6-жадвал

2014-йилда «Диллер Сармоя» МЧЖ ташкилоти меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари тахлили.

№	Кўрсаткичлар	Жами бир йилда	Шу жумладан кварталлар бўйича			
			I	II	III	IV
1	Баҳолаш ишларининг шартнома бахоси, минг сўм	311004,3	77751,08	75751,10	79851,004	77651,1
2	Ходимларни рўйхати бўйичаўртача сони, киши	8	8	7	9	8
3	1 ходимнинг меҳнат унумдорлиги, минг сўм		9719	10822	8872	9706
4	Меҳнат унумдорлигини Ўзгариш динамикаси: олдинги кваталарга нисбатан Ўзгариш сурати,%		100	1102,7	-1949,3	834,1
5	1 кваталарга нисбатан Ўзгариш сурати,%		100%	1102,7	-846,6	-12,5

Манба: Муаллиф томонидан “Диллер Сармоя “ МЧЖнинг иқтисодий кўрсаткичлари тахлили.

2.7-жадвал.

2014-йилда «Диллер Сармоя» МЧЖ ташкилоти Баҳолаш ишларининг таннархи ўзгариш динамикаси таҳлили.

№	Кўрсаткичлар	Жами бир йилда	Шу жумладан кварталлар бўйича			
			I	II	III	IV
1	Баҳолаш ишларининг шартнома баҳоси, минг сўм	311004,3	77751,08	75751,10	79851	77651,1
2	Бажарилган Баҳолаш ишларининг хизмат кўрсатиш таннархи, минг сўм	278304,32	72526,08	59298,91	75826,08	70653,25
3	Ишларнинг таннархи ва шартнома баҳоси уртасидаги фарк (1п-2п), минг сўм	32699,98	5224,995	16452,19	4024,924	6997,866
4	Шуни ўзи ишларнинг шартнома баҳосига нисбатан, %	10,5	6,7	21,7	5,0	9,0
5	Таннархни ўзгариш динамикаси: Олдинги кваталарга нисбатан ўзгариш сурати, %		100%	314,9	24,5	173,9
6	1 кваталарга нисбатан ўзгариш сурати, %		100%	314,9	77,0	133,9

Манба: Муаллиф томонидан “Диллер Сармоя” МЧЖнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.

2.8 -жадвал

2014-йилда «Диллер Сармоя» МЧЖ ташкилоти 1-сўм КМИга туғри келадиган харажатлари ўзгариш динамикаси таҳлили.

№	Кўрсаткичлар	Жами бир йилда	Шу жумладан кварталлар бўйича			
			I	II	III	IV
1	1 сўм КМИ туғри келадиган харажатлар, тийин	0,895	0,933	0,783	0,950	0,910
2	Ўзгариш, тийин : -олдинги кварталга нисбатан	-	-	0,150	-0,167	0,040
	1 кварталга нисбатан	-	-	0,150	-0,017	0,023
3	Ўзгариш, % : -олдинги кварталга нисбатан	-	100%	83,921	121,305	95,818
	1 кварталга нисбатан	-	100%	83,921	101,801	97,543

Манба: Муаллиф томонидан “Диллер Сармоя” МЧЖнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.

2.9 - жадвал

2014 – йилда «Диллер Сармоя» МЧЖ ташкилоти фойда ва даромади тахлили.

№	Кўрсаткичлар	Жами бир йилда	Шу жумладан кварталлар бўйича			
			I	II	III	IV
1	Бинолар ва машиналарни Баҳолашдан олинган фойда	85728,35	22132,08	16187,74	24542,11	22866,42
	ёрдамчи хужалик	-	-	-	-	-
	Хизмат кўрсатиш ресурсларини реализация қилишдан олинган фойда	-	-	-	-	-
	Дивиденд шаклидаги даромад	4187,02	1046,06	958,79	1048,92	1133,25
	бошка реализация натижалари	-	-	-	-	-
	жами баланс бўйича фойда	85728,35	22132,08	16187,74	24542,11	22866,42
2	Даромад	184460,2	48033,03	40126,2	52501,06	43799,87

Манба: Муаллиф томонидан “Диллер Сармоя” МЧЖнинг иқтисодий кўрсаткичлари тахлили.

2.10-жадвал.

2014–йилда «Диллер Сармоя» МЧЖ ташкилоти фойда ва даромади ўзгариш динамикаси тахлили.

№	Кўрсаткичлар	Жами бир йилда	Шу жумладан кварталлар бўйича			
			I	II	III	IV
1	Баланс бойича олинган фойда, минг сўм	85728,35	22132,08	16187,74	24542,11	22866,42
2	Ўзгариш, олдинги кваталарга нисбатан, минг сўм/%		100%	73,1	151,6	93,2
3	Ўзгариш: 1-кваталарга нисбатан минг сўм/%		100	73,1	110,9	103,3
4	Даромад, минг сўм	184460,2	48033,03	40126,2	52501,06	43799,87
5	Ўзгариш, олдинги кваталарга нисбатан, минг сўм/%		100	83,5	130,8	83,4
6	Ўзгариш: 1-кваталарга нисбатан минг сўм/%		100	83,5	109,3	91,2


Манба: Муаллиф томонидан “Диллер Сармоя” МЧЖнинг иқтисодий кўрсаткичлари тахлили.

2014–йилда «Диллер Сармоя» МЧЖ ташкилоти фойдалилик даражаси кўрсаткичлари тахлили.

№	Кўрсаткичлар	Жами бир йилда	Шу жумладан кварталлар бўйича			
			I	II	III	IV
1	Баланс бўйича олинган фойда, минг сўм	85728,35	22132,08	16187,74	24542,11	22866,42
2	Айланма капитал, минг сўм		23325,32	22725,33	23955,3	23295,33
3	Фойдалилик даражаси, %	92	94,9	71,2	102,4	98,2
4	Фойдалилик даражаси ўзгариши, +-%, олдинги кварталларга нисбатан		100	75,1	143,8	95,8
5	1-кваталарга нисбатан		100	75,1	143,8	103,5

Манба: Муаллиф томонидан “Диллер Сармоя “ МЧЖнинг иқтисодий кўрсаткичлари тахлили.


«Диллер Сармоя» баҳолаш ташкилотининг бошқарув структураси.



Манба: ташкилот маълумотлари асосида.

Кўчмас мулк бозорида баҳоловчи ташкилотларнинг бошқарув структураси шундан иборатки: Баҳолаш ташкилотлари асосан бошқаришнинг функционал структурасидан фойдаланади. Бу структурада асосан ташкилотни раҳбари сифатида директор бошқаради сўнги ўринда

бир хил лавозимга эга олий маълумотли сертификати бор баҳоловчилар ва ташкилотнинг бош бухгалтери туради. Ундан кейинги ўринларда эса сертификатсиз олий маълумотли ходимлари туради ва ундан кейинги лавозимларда эса ташкилотнинг қоровуллари ва бошқалари туради. Ушбу бошқарув тизимида ташкилотни директор бошқаради ва ҳамма ходимлар эса директорга бўйсинади директорлар эса ўз лавозимидан келиб чиқган ҳолда келган мижозларни баҳолаш объекти катта кичиклигига қараб ходимларга баҳолаш ишларини топширади чунки бу баҳолаш касби жуда маъсулятли касб ҳисобланади ва бу ташкилотда сертификатли ходимлар ва сертификати йўқ ходимлар ҳам бор катта биноларни баҳолашга тўғри келиб қолса, сертификати йўқ ходимни тажрибаси етмайди. Шу сабабли катта биноларни баҳолаш ишларини ташкилот раҳбарлари асосан сертификати бор ходимларга топширади. Агар сертификати бор ходимлар баҳолаш ишлари билан банд бўлиб қолсалар, сертификати йўқ ходимлар ўз тажрибасидан келиб чиқган ҳолда баҳолаш ишларини бажаради. Сертификати бор ходимлар эса ушбу бажарилган ишларини текшириб, куриб чикади ҳамда директорга тасдиқлаш учун киритади.




Манба: Муаллиф томонидан Диллер Сармоя ташкилотнинг янги структураси ишлаб чиқилган

ООО «ДИЛЛЕР-САРМОЯ» МЧЖ

«Диллер-Сармоя» МЧЖ
директор



ТАСДИКЛАЙМАН



Имзо, М.У.

«Диллер-Сармоя» маъсуляти чекланган жамият

УРГУТ ШАХРИ ДУСТЛИК МАХАЛЛАСИ А.ТЕМУР КУЧАСИДА
ЖОЙЛАШГАН «URGUT-SHARQ» М.Ч.Ж. ГА ТЕГИШЛИ ПОЛИЭТИЛЕН
ВА ПОЛИПРОПИЛЕН МАХСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИКАРИШ ЦЕХИНИ
АЙРИМ КИСМИ БИНОЛАРИНИ БАХОЛАШ БУЙИЧА

Х И С О Б О Т

*Руйхатга олиш раками:
Баҳолаш объектлари номи:*

Баҳолаш объектлари манзили:

Буюртмачи:

*Баҳолаш мақсади:
Аниқланаётган қиймат тури:
Баҳолаш санаси:
Хисобот тузилган сана:*

№ - **1548** -
Полиэтилен ва полипропилен махсулотлари
ишлаб чиқариш цехини айрим қисми
(Б,В,В1,Г,Д,Е,Л) бинолари
Ургут шаҳри Дустлик маҳалласи А.Темур
кучаси
«URGUT-SHARQ» МЧЖ
Гаровга қуйиш учун
Бозор баҳоси
2014 йил 11 январь
2014 йил 11 январь

Самарканд – 2014.

«URGUT-SHARQ» МЧЖ

директори:

З.Хакимовга

Сизнинг 2013 йил 10 январдаги хатингизга шунингдек ўзаро тузилган шартномага асосан «Диллер-Сармоя» масъулияти чекланган жамияти, Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк Кумитасининг 2008 йил 11 декабрдаги хисоб серияси BL001, тартиб раками №0032, кайд этиш раками RR0032-сонли лицензиясига асосан, «URGUT-SHARQ» МЧЖга карашли Ургут шаҳри Дустлик маҳалласи А.Темур кучасида жойлашган Полиэтилен ва полипропилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини айрим қисми биноларини (Б,В,В1,Г,Д,Е,Л) кредит олиш учун гаров таъминоти сифатида 2014 йил январ ҳолатига бозор баҳоси аниқланди.

Гаровга қўйилаётган мол-мулклар «URGUT-SHARQ» МЧЖнинг мулк хисобланади. Баҳолаш жараёнида хисоб китобларни олиб боришда Ўзбекистон Республикасининг Мулкни Баҳолаш Миллий Стандартлардан фойдаланилди. Ушбу баҳолаш хисоботини тайёрлашда мавжуд стандартлардан ҳамда методик курсатмалардан ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида баҳолашни амалга ошириш ҳуқуқига шунингдек бизнесни баҳолаш малакасига эга бўлган баҳоловчи мутахассислар катнашди.

Олиб борилган таҳлил ва хисоб китоблар натижасидан баҳоланаётган объектнинг баҳоланиш қиймати 2014 йил январ ҳолатига қўйидаги баҳони консултатив маълумот сифатида ҳавола этилмоқда:

~ 300 000 000 (*Уч юз миллион*) сум.

Сизга маълум қиламизки ушбу хат баҳолаш хисоботи саналмайди, балки хисоботга илова бўлиб, баҳолаш ҳақидаги хисобот факат тулик ҳажмда ишончли бўлади. Алоҳида фикрлар ва ҳулосалардан хисобот контекстидан ташқари фойдаланиш ноаниқ бўлади ва тадқиқотлар натижаларининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган эҳтимоллар ва чегараловчи шартларга мувофиқ бажарилади.

Сизга ушбу баҳоларни маълум қилиш билан бир қаторда таклаф этилаётган баҳолар Ўзбекистон Республикаси «Баҳолаш фаолияти тугрисида»ги қонуннинг 18 моддасига асосан тавсия этилмоқда, мулкнинг охириги баҳосини мулк эгаси белгилайди.

Бажарилган ишларимиз юзасидан савол ва тушунмовчиликлар бўлса марҳамат қилиб бизга мурожат қилишингиз мумкин, бизнинг хизматимиздан фойдаланганлигингиз учун ўз миннаддорчилигимизни билдирамыз.

Хурмат билан,

«Диллер-Сармоя»
МЧЖ директори:

З.А.Халикулов.

III БОБ. ТАНЛАНГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОБЪЕКТИНИ БАҲОЛАШ НАТИЖАСИ АСОСИДА БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ.

3.1. Полиэтилен ва полипропилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини тўғрисида қисқача маълумотлар.

Ўзбекистонда бозор ислохотларининг ривожланиши кучмас ва кучар мулкнинг ва уларга нисбатан ҳуқуқлар кийматини баҳолаш бўйича янги фаолият турининг шаклланишига олиб келди. Баҳолаш фаолияти иктисодиётни ислох қилиш ва ҳуқуқий давлат қуришнинг ажралмас қисмига айланди. Кучмас мулк кийматини баҳолашнинг мақсад ва вазифаларини, усулларини, мулк турларини, баҳолашнинг узига хос хусусиятларини батафсил урганиш ва амалда қўллаш баҳолаш фаолиятини бозор инфратузилмасининг амалий тармоғи сифатида тушуниш имконини беради.

Республикада кучмас мулкни баҳолаш хизматларига бўлган талаб бозор иктисодиётига утишнинг дастлабки кунлариданок пайдо бўлди. Давлат кучмас мулкни хусусийлаштиришнинг кенгайиши, корхона устав сармоясига киритиладиган кучмас мулкнинг қўпайиши, кучмас мулк гарови остида кредитлашнинг ривожланиши ва биринчи навбатда мулкдорлар сифини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга йўналтирилган кучмас мулк билан бажариладиган бошқа фуқаролик ҳуқуқий жараёнлар баҳолаш тузулмасининг мажбурий тарзда иштироқи билан амалга оширилади.

Шу асосда гаров таъминоти учун «URGUT-SHARQ» МЧЖга тегишли Ургут шаҳри Дустлик маҳалласи А.Темур кучасида жойлашган Полиэтилен ва полипропилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини айрим қисми биноларини тахлили мазкур Хисоботда қўриб чиқилади.

Гаров тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг «Гаров» тугрисидаги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг «Ипотека» тугрисидаги қонуни ва бошқа норматив актлар билан бошқарилади.

Ушбу баҳолаш ҳисоботидан куйидаги меъёрий ҳужжатлар тупламидан фойдаланилди.

1. Ўзбекистон Республикаси «Баҳолаш тугрисида»ги қонуни;
2. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси;
3. Ўзбекистон Республикаси Мулкни Баҳолаш Миллий Стандартлари (МБМС) № 1, 2, 3, 5, 10;
4. Йириклаштирилган нормативлар асосида қўчмас мулкнинг тикланиш қийматини аниқлаш «Турар жой бўлмаган бино ва иншоотларнинг тикланиш баҳолари умумлаштирилган курсаткичлари туплами»;

Умумий маълумотлар

Баҳолаш учун асос:	2013 йил 10 январдаги хати ва узаро тузилган баҳолаш шартнома	
Баҳолаш объекти:	Полиэтилен ва полипропилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини айрим қисми бинолари (Б,В,В1,Г,Д,Е,Л)	
Баҳолаш объекти манзили:	Ургут шаҳри Дустлик маҳалласи А.Темур кучаси	
Объектнинг таркиби:	Полиэтилен ва полипропилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини айрим қисми бинолари қурилиш таги майдони: 854,11 кв.м, фойдали майдони: 745,97 кв.м.	
Объектнинг эгаси:	«URGUT-SHARQ» МЧЖ	
Гаровга қуювчи манзили:	Ургут шаҳри Дустлик маҳалласи А.Темур кучаси	
Баҳолаш мақсади:	Мулкларни кредит олиш учун гаровга қуйиш	
Баҳолаш натижаларидан фойдаланиш мулкчиси	Олинаётган кредит учун гаров таъминоти учун ва фақат шу мақсадда фойдаланиш кузда тутилган.	
Ҳисобот шакли:	Ёзма	
Аниқланган қиймат тури:	Бозор баҳоси	
Баҳолаш вазифаси:	Буюртмачига мулкнинг бугунги кундаги уртача бозор баҳоси ҳақида маълумот бериш.	
Қуриқ утказилган сана:	2014 йил 10 январ.	
Баҳолаш санаси:	2014 йил 11 январ.	
Ҳисобот тузилган сана:	2014 йил 11 январ.	
Буюртмачи:	«URGUT-SHARQ» МЧЖ	
Баҳоланган вақтда чет эл валюталарининг сумга	1АҚШ доллари	- 2 203,22 сум - 67,46 сум

нисбатан киймати. (Марказий банкнинг курси буйича)	1 Россия руббли 1 Евро	- 3 034,20 сум
	2014 йил 7 январ ҳолатига	
Баҳолаш натижалари		
Объектдан энг самарали фойдаланиш хусусида чиқарилган хулосалар:	Объект ишлаб чиқариш ҳудудида жойлашганлиги учун ишлаб чиқариш бинолари сифатида мулк эгасини ўзи фойдаланиши ёки ижарага бериши самарали ҳисобланади.	
Ёндашувлар буйича натижалари:		
Харажат ёндашуви:	84 400,0 минг сум	
Даромад ёндашуви:	354 300,0 минг сум	
Киёсий ёндашуви:	354 100,0 минг сум	
Баҳолаш объектининг бозор киймати	300 000,0 минг (Уч юз миллион) сум	

Томонларнинг реквизитлари ва манзиллари	
Ижрочи	Буюртмачи
«ДИЛЛЕР-САРМОЯ» МЧЖ Самарканд шаҳри М.Кошгарий кучаси 72 уй. х/р 2020 8000 8048 5888 5001 ИДАТ Асака банк МФО 00264 ИНН 301 664 415 ОКОНХ 84500	«URGUT-SHARQ» МЧЖ Ургут шаҳри Дустлик маҳалласи А.Темур кучаси х/р: _____ МФО: _____, ИНН: _____

Баҳолаш фаолиятини амалга ошириш лицензияси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулкни бошқариш давлат қўмитаси томонидан 11.12.2008 йил №0032 рақамли баҳолаш фаолиятини амалга ошириш лицензияси.

Баҳолаш фаолиятининг жавобгарлик сугуртаси. «Кафолат» ДАСК ОАЖ сугурта компаниясининг 07.01.2014 йил №0185739-сонли сугурта полиси.

Ҳисоботини тайёрлашда иштирок этган баҳоловчи мутахассис: Директор-баҳоловчи: Халикулов Зайниддин Амириддинович – мулкларни профессионал

бахоловчи, маълумоти олий, Самарканд Давлат Университетининг дипломи ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат кумитаси томонидан 2013 йил 23 август №0203-сонли бахоловчининг малака сертификатига ҳамда баҳолаш фаолияти бўйича 18 йиллик иш стажига эга.

Бахоловчи-мутахассис: Муртазаев Шухратхон Насруллаевич, маълумот олий, Самарканд Меъморчилик Қурилиш институти ва Самарканд Кишлоқ Хужалиги Институтининг дипломлари ва Ўзбекистон Республикаси ДМҚ томонидан 09.12.2011 йил №0580-сонли бахоловчининг малака сертификатига ҳамда баҳолаш фаолияти бўйича 15 йиллик иш стажига эга.

Баҳолаш объектнинг тавсифи

Гаровга қўйилаётган қучмас мулклар хусусий мулк бўлиб, Полиэтилен ва полипропилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини айрим қисми (Б,В,В1,Г,Д,Е,Л) бинолари:

2.1. жадвал.

№ тр	Гаров мол-мулклари номи	Қурилиш майдони кв.м.	Фойдали майдони кв.м	Изоҳлар
1	Полиэтилен ва полипропилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини айрим қисми бинолари	854,11	745,97	Ургут шаҳри Дустлик маҳалласи А.Темур қучасида жойлашган.

Манбалар: Кадастр ҳужжатлар туплами:

Объект жойлашган манзил таҳлили

Баҳолаш объектлари Полиэтилен ва полипропилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини айрим қисми бинолари бўлиб Ургут шаҳри Дустлик маҳалласи А.Темур қучасида жойлашган.

Баҳолаш объектлари Ургут шаҳри Дустлик маҳалласи А.Темур қучасида жойлашиб, атрофида турли ишлаб чиқариш бинолари мавжуд. Худуддаги бинолар қаватлилик даражаси асосан 1-2 қаватни ташкил этади. Ургут шаҳри Дустлик маҳалласи А.Темур қучасининг ишлаб чиқариш худудида

жойлашганлиги сабабли бу ҳудудда кучмас мулкка булган талаб доимо яхши булиши урганилди.

Объект жойлашган манзил юкоридан куриниши



Ҳудудда транспорт катнови муаммосиз, шаҳар йуналғиши буйича транспорт катнови йулга куйилган. Бундан ташкари ҳам шахсий ва транспорт воситалари катнови мавжуд.

Баҳолаш объекти таркиби

Баҳоланаётган объектнинг умумий майдонлари: Полиэтилен ва полипропилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини айрим қисми биноларининг қурилиш ости майдони: 854,11 кв.м булиб, фойдали майдони 745,97 кв.м; ни ташкил этади. Объектда қушимча қурилишлар мавжуд.

Баҳолаш объектининг вазифаси ва ундан жорий фойдаланиши

Баҳоланаётган объектлар Полиэтилен ва полипропилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини айрим қисми бинолари номи билан давлат руйхатидан утган булиб, ҳозирда ҳам шу мақсадда ишлаб чиқариш цехи биноси сифатида мулк эгаси томонидан фойдаланилмоқда.

Майдоннинг тусиклари: Ер майдонида бино иншоотдан ташкари алохида девор тусиклар билан уралган, баҳолаш объектлари бино деворининг ташки томони билан чегараланган.

Ер ости ва усти мухандислик коммуникациялари: баҳолаш объектида электр узатиш тармоги мавжуд.

Майдоннинг сейсмик ҳолати: ҳудуднинг сейсмик ҳолати, яъни зилзилага бардошлилиги 7-8 баллни ташкил этади.

Майдон ва уни атрофи ободонлиги (кукаламлаштириш, ҳудуднинг ёритилиши, тозаллиги): объектлар майдони атрофи уртача ҳолатда ободонлаштирилган, тозаллик даражаси яхши ҳолатда, захира ер майдонлари мавжуд.

Ҳудуднинг экологик даражаси: Ҳудуд ва уни яқин атрофида ҳар хил турдаги ташкилотлар ва турар жойлари бор, инсон соғлигига жиддий таъсир этувчи ёмон экологик вазият мавжуд эмас.

Шовкин даражаси: Объектлар атрофида шовкин даражаси йук.

Транспорт таъминоти

Объект жойлашган манзил Ургут шаҳри Дустлик маҳалласи А.Темур кучасида жойлашганлиги сабабли транспортлар катнови муаммосиз. Транспорт таъминоти билан боглик куйидаги курсаткичларни келтириш лозим топилди:

Объект жойлашган жойдан шаҳар марказигача булган масофа: объект Ургут шаҳри Дустлик маҳалласи А.Темур кучасида жойлашган.

Объектга кириш йўлларининг ҳолати: объектларга транспорт воситасининг кириш йўли Ургут шаҳри Дустлик маҳалласи А.Темур кучасидаги кучадан булиб, унинг бугунги кундаги ҳолати яхши ҳолатда.

Объектларнинг меъморий-режавий қисми

№	Литер	Бино номи	Курилган йили	Майдонни хисоблаш	Майдони кв.м.	Баланс д.л.г.и, м	Хажми куб.м.
1	Б	Полипропилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи	2012	13,0*52,25	679,25	5,80	3939,65
2	В	Ошхона		6,40*11,50	73,60	3,15	231,84

3	B1	Хожатхона		6,40*6,35	40,64	3,15	128,02
4	Г	Ёрдамчи бино	2012	5,50*6,60	36,30	3,55	128,87
5	Д	Хожатхона	2012	2,45*3,10	7,60	2,70	20,51
6	Е	Ховуз	2012	2,20*3,80	8,36	1,20	10,03
7	Л	Ховуз	2012	2,20*3,80	8,36	1,20	10,03
		ЖАМИ:			854,11		

Объектнинг конструктив қисми ва уларнинг ҳолати

Баҳоланиши суралган Полиэтилен ва полипропилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини айрим қисми биноларининг конструктив қисмлари қуйидаги элементлардан ташкил топган:

№	Конструктив элементлар	Техник тавсифи ва тури	Визуал курик давридаги ҳолати
1	Пойдевори	Бетон	Яхши даражада
2	Деворлар ва ора девор	Керамзит блок, бетон	Яхши даражада
3	Ораёпма	Т/ферма, ж/б плита, ёғоч	Яхши даражада
4	Томи	Тунука	Яхши даражада
5	Поли	Бетон	Яхши даражада
6	Эшик ва ромлари	Акфа, метал	Яхши даражада
7	Пардозлаш ишлари ички ташки	Пардозланган	Яхши даражада
		Пардозланган	Яхши даражада
8	Бошка ишлар	Бино замон талабига таъмирланган	Яхши даражада

Мулк эгаси тугрисида қисқача маълумот

Умумий номланиши: Полиэтилен ва полипропилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи

Тармок тури: - ишлаб чиқариш ва савдо

Мулк эгаси: «URGUT-SHARQ» МЧЖ

Юридик манзили:

Ургут шаҳри Дустлик маҳалласи А.Темур кучаси

3.2. Баҳолаш объекти қийматини харажатга оид ёндашув билан аниқлаш.

Харажатли ёндашув усули деганда емирилиши ҳисобга олинган ҳолда баҳоланиш объектини тиклаш ёки алмаштиришга сарфланадиган харажатларни аниқлайдиган усуллар йигиндиси тушунилади. Ушбу ёндашувнинг асосий мақсади – баҳоланиш вақтида мулкнинг тикланиш қийматини аниқлаш учун мулкнинг умумий эскиришини ҳисобга олган ҳолда умумий харажатларни аниқлашдан иборат. Ушбу ёндашув меъёрий ёндашув деб ҳисобланади ва меъёрий ҳужжатлардан келиб чиқади.

Харажатга оид ёндашув билан аниқланадиган баҳолаш объектининг қиймати ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқлар қийматидан ва йиғилган эскириш чегириб ташланган яхшилашларни тиклаш қиймати ёки тадбиркор даромадини ўз ичига оладиган алмаштириш қийматидан иборатдир.

Кўчмас мулкнинг тиклаш қиймати лойиҳа-смета ҳужжатларига биноан аниқланади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари мавжуд бўлмаса, кўчмас мулк тикланиш қийматининг йириклаштирилган нормативларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

Кўчмас мулкнинг тиклаш қиймати лойиҳа-смета ҳужжатларига биноан аниқланади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари мавжуд бўлмаса, кўчмас мулк тикланиш қийматининг йириклаштирилган нормативларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

Йириклаштирилган нормативлар асосида кўчмас мулкнинг тикланиш қийматини аниқлаш 1999 йил 30 мартда №682 сон билан Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида рўйхатдан утган ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Ўзгеодезкадастр бош бошкармаси, Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат Вазирлиги томонидан тасдиқланган ГККИНП-18-013-2004 йил «Турар жой булмаган бино ва иншоотларнинг тикланиш баҳолари умумлаштирилган курсаткичлари туплами»дан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

$$C_{п.б.} = S \times C_{еи} \times K_1 \times K_2 \times K_3 \times \dots \times K_p$$

Бунда: $C_{п.б.}$ – бинонинг 1991 йил ҳолатига тикланиш баҳоси

S - баҳоланаётган объектнинг ҳажми M_3 (майдон M_2 , узунлик п.м)

$C_{еи}$ - УПВСНЗиС таблицаси бўйича 1991 йил баҳосига утиш бирлиги

K_1 – капитал гуруҳи (группу капиталность)

K_2 - сесмик райони (сейсмичность района)

K_3 - ҳудудий коэффицент (территориальный коэффицент)

K_4 - ташки ва ички пардозлаш ишлари

K_5 - сантехник жихозлар ва бошқалар

Баҳоланаётган объектнинг тулик тикланган кийматини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$C_{п.в.} = C_{п.б.} \times I_y$$

$C_{п.в.}$ - Бинонинг баҳоланган давридаги тулик тикланган киймати

$C_{п.б.}$ - Бинонинг 1991 йил ҳолатига тикланиш баҳоси

I_y - Баҳоланган даврига ҳокимликнинг қурилиш материалларининг қимматлашишини инобатга олган ҳолда қупайтувчи.

Самарқанд вилоят ҳокимининг 2010 йил 13 майдаги №38-сонли қарори бўйича 61,8 x 8,57 коэффицентлари ва Ўзбекистон Давлат Статистика Қўмитасининг қимматлашиш коэффицентларидан фойдаланамиз:

$$K_i = 61,8 \times 8,57 \times 1,01 \times 1,208 \times 1,215 \times 1,213 \times 1,269 = 1208,53$$

1998 йил (Индекс удоржания СМР на 1998 г) - 61,8

2010 йил 1 январ (Индекс удоржания СМР на 01.01.2010 г) - 8,57

2010 йил 1 январ (Индекс удоржания Минмакроэкономстата на 01.01.2010 г) - 1,010

2011 йил 1 январ (Индекс удоржания Минмакроэкономстата на 01.01.2011 г) - 1,208

2012 йил 1 январ (Индекс удоржания Минмакроэкономстата на 01.01.2012 г) - 1,215

2013 йил 1 январ (Индекс удоржания Минмакроэкономстата на 01.01.2013 г) - 1,213

2013 йил 1 октябрь (Индекс удоржания Минмакроэкономстата на 01.10.2012 г) - 1,269

Ушбу коэффицентлардан келиб чиққан ҳолда харажат ёндашувида бино иншоотларнинг баҳоланиш киймати ҳисобланган қурилиш материалларининг қимматлашиш индексида фойдаланган ҳолда ҳисоб китоблар амалга

оширилади.

Литер	Бинонинг тури	1991 йилга бахоси	Коеффициент	тикланиш киймати
Б	Полиэтилен махсулотлари ишлаб	14 072,74	1 208,53	17 007 328,47
В	Ошхона	11 283,65	1 208,53	13 636 629,53
В1	Хожатхона	5 415,16	1 208,53	6 544 383,31
Г	Ёрдамчи бино	2 745,33	1 208,53	3 317 813,66
Д	Хожатхона	814,57	1 208,53	984 432,28
Е	Ховуз 2,2х3,8	521,41	1 208,53	630 139,63
Л	Ховуз 2,2х3,8	521,41	1 208,53	630 139,63
	Темир дарвоза 20м2	1 706,50	1 208,53	2 062 356,45
	Чегара девори L=87,5м h=3	8 029,33	1 208,53	9 703 686,18

Баҳолаш объектининг емирилишини аниклаш.

1. Жисмоний эскириш – табиий қариш, нотугри фойдаланиш, конструктив нуқсонлар, шунингдек яхшилаш элементларининг механик шикастланишлари билан белгиланган яхшилашлар кийматидаги йукотиш.

Бартараф этиб булмайдиган эскириш – шундай бир эскириш бўлиб, уни бартараф этиш харажатлари бартараф этиш натижасида кучмас мулк объектига кушиладиган кийматидан купрокдир.

Бартараф этиб буладиган эскириш – шундай бир эскириш бўлиб, уни бартараф этиш харажатлари бартараф этиш натижасида кучмас мулк объектига кушиладиган кийматидан камрок ёки унга тенгдир.

Баҳолаш объекти жисмоний эскиришини аниклашда қуйидаги жадвалдан фойдаланилди:

Бино ва иншоотлар техник ҳолатининг йириклаштирилган мезонлари

Жисмоний эскириш, %	Асосий бино конструкцияларининг ҳолати	Ички конструктив элементлар ҳолати	Техник ҳолатининг умумий тавфиси	Техник ҳолатига баҳо
0-20%	Бузилган ва деформацияланган (шакли узгарган) ҳолатлари йук ва шунингдек, дефектларни бартараф этиш излари кузатилмокда	Пол ва потолоклар ҳолати текис, равон, пардозлаш ишлари копланмаларида горизонтал ёриклар мавжуд эмас	Айрим носозликлар мавжуд бўлиб, қайсики жорий таъмирлаш жараёнида бартараф этилган бўлиши мумкин ва умуман олганда бинодан фойдаланишда таъсирга эга эмас	Яхши
21-40%	Шикастланган ва	Пол ва потолоклар	Объект умуман	Кони-

	дефектлар, шу жумладан букилган холатлар йук. Айрим жойларида турли таъмир-лаш холати излари, жумладан эшик ва дераза ораликларида ва тепадан (перемычка) ларда кичик ёриклар кузатилади	холати текис, потолокнинг айрим жойларида сочсимон ёриклар кузатилади. Зинапоя пиллапояларида кичик шикастланишлар мавжуд. Эшик ва ромлар очилиши куч таъсири билан очилади	олганда фойдаланиш учун ярокли, аммо фойдаланишнинг ушбу боскичида жорий таъмирлаш талаб этилади	карли
41-60%	Таъмирлашнинг янги излари мавжуд. Ташки пардозлаш ишларида ёриклар кузати-лади, горизонтал линия кийшайган жойларининг бартараф этилган излари бор. Блок ва девор терилувидаги эскиришлар, ёриклар борлиги билан характерланади	Пол кисмининг айрим жойлари калкиб, горизонталдан огиш хо-латлари бор. Потолок кисмининг куплаб жойларида ёриклар ёпил-ган булиб, кайта ёриклар пайдо булганлиги мавжуд. Пол копла-маларининг айрим жойларида ташлаб кетиш холлари ва зина-пояларда куплаб шикастланган жойлари кузатилади	Объектдан фойдаланиш учун таъмирлаш ишлари олиб борилган шароитда фойдаланиш мумкин	Кони-карсиз
61-80%	Турли даврлар оралигида келиб чиккан очик ёриклар, шу жумладан, гиштарнинг кундалангига эскириш таъсирида огирликлар тушган. Горизонтал линияда катта эгилиш холатлари ва айрим жойларида деворнинг вертикалдан огиш холатлари кузатилади	Полнинг катта кисмларида кал-киш холатлари ва катта улчамда горизонталдан огиш холатлари, пол копламасининг ката мавжуд эмас ва катта кисмида шикастла-ниш холатлари, потолокнинг куплаб жойлари пардозлари тушган. Куплаб дераза ва ром-лар тоб ташлаган. Зинапояларда катта хажмда шикастланишлар, зиналар оралигида очик жойлар ва нуксонлар мавжуд	Объектнинг холати авария даражасида. Мақсадли фойдаланиш учун тулик алохида кисмларни, тармоқларининг алмаштиргандан сунг ёки таъмирлаш ишларини олиб боргандан сунг фойдаланиш мумкин	Ава-рия холати да
81-100%	Бино хавфли холатда девор кисмлари харобага айлан-ган,	Полда катта нуксон ва огишлар бор. Потолокнинг сези-	Объект фойдаланиш учун тулик яроксиз холатга келган	Ярок-сиз

	шакли узгариб жойлар-да тешик холатлар, тепаларда, дераза орала-рида бутун девор буйича ёриклар, гори-зонтал линияда катта эгилган холат булиб, деворнинг кулаб тушиш эхтимоли бор	ларли даражасида букилган холатлари бор. Эшик ва ром-ларнинг ёгоч ва кисмларида чириш холатлари мавжуд. Зинапоянинг зиналари-да зиналар етишмайди. Ички пардозлаш ишлари тулик вай-ронагарчилик холатига келган		
--	--	---	--	--

2. Функционал эскириш – яхшилашлар тулалигича ёки айрим элементларига кура бозор талабларига мувофик эмаслиги билан белгиланган яхшилашлар кийматидаги йукотиш.

Бахолаш объектларининг функционал эскиришини аниклашда унинг режавий-архитектура-вий курилиши ва таъмирланишининг hozirgi замон талабига жавоб бера олиши инобатга олинди.

3. Ташки (иктисодий) эскириш – кучмас мулк объекти киймати мазкур объектдан ташки омиллар таъсири натижасида пасайиши.

Бахолаш объектининг ташки эскиришини аниклашда унга таъсир этувчи ташки омиллар таъсир доираси тахлил килинди.

Йигилган эскириш – кучмас мулк объектининг жисмоний, функционал ва ташки эскириш билан боглик умумий кийматининг йуколиши (кадрсизланиши).

